

ISSN 2181-2357

XALQARO NAZARIY VA AMALIY TADQIQOTLAR
JURNALI

INTERNATIONAL
JOURNAL OF
THEORETICAL AND
PRACTICAL RESEARCH

JURNAL FARG'ONA POLITEXNIKA
INSTITUTI HAMKORLIGIDA NASHR
ETILADI



ISSN 2181-2357
9 772181 235007 >



«Al-Ferganus» MChJ Nashriyot markazi.

A. M. Abdullayev

1-tom, 2-son.

«Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnalı»

Ilmiy jurnal.

Dekabr 2021 y.

2021 yil noyabr oyidan beri nashr etilmoqda.

Oyiga bir marta nashr etiladi.

16+

Tahririyat kengashi raisi Salomov O'ktam Raximovich, FarPI rektori

Bosh muharrir K. I. Kurpayanidi

Tahririyat hay'ati: A.M.Abdullaev, M.S.Ashurov, E.A.Mo'minova, K.X.Abduraxmonov, A.N.Asaul, A.V.Burkov, U.V.G.ofurov, M.A.Ikromov, D.Kudbiev, E.S.Margianiti, B.Obrenovich, L.NA.Sultonov, L.NA., A.Xasanov, Sh.T.Karimov, Sh.Sh.Salixanova, U.K.Alimov, S.M.Turabdjano, B.A.Alimatov, R.J.Tozhiyev, A.A.Risqulov, B.M.Tursunov, A.A.Shermukhamedovsh, Y.S.A. H.A.Akramov, M.X.Hakimov, Sh.M.Iskandarova, Z.M.Sobirova, A.M.Muxtorova, L.M.Babaxo 'jaeva..

Tahririyat manzili: 150107

Farg'ona shahri, Farg'ona ko'chasi, 86 - uy

Teł. +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: alferganus.ltd@gmail.com



@Alferganus_ltd

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti administratsiyasi huzuridagi axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida ro'yxatga olingan.

Ro'yxatga olish № 4446-5760-5988-7507-e628-4252-5710 2021 yil 23 mart.

Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnalı Crossref, Google Scholar bazalariga kiritilgan.

Impact faktor 2021 Evaluation Pending



CC litsenziyasi turi: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).



Jurnal jahon va mintaqaviy darajada fan va amaliyotning rivojlanish masalalariga bag'ishlangan.
Jurnal olimlar, o'qituvchilar, doktorantlar, talabalar uchun mo'ljallangan.

Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnalı.

2021. T. 1. №2. <https://alferganus.uz>

© «Al-Ferganus» nashriyot markazi,
2021 Farg'ona, O'zbekiston



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



Publishing Center «Al-Ferganus» LLC.

A. M. Abdullaev

“International journal of theoretical and practical research”

Scientific Journal.

Published since November 2021.

Schedule: monthly. 16+

Volume 1, Issue 2

December, 2021.

Chairman of the Editorial Board Salomov Uktam Rakhimovich, Rector of FerPI

Editor-in-chief K. I. Kurpayanidi

Editorial Board: A. M. Abdullaev, M. S. Ashurov, E. A. Muminova, K. Kh. Abdurakhmanov, A. N. Asaul, A. V. Burkov, U. V. Gafurov, M. A. Ikramov, D. Kudbiev, E. S. Margianiti, B. Obrenovich, L. Ivars, K. E. Onarkulov, N. A. Sultanov, A. Khasanov, Sh. T. Karimov, Sh. Sh. Khamdamova, D. S. Salikhanova, U.K. Alimov, S.M. Turabdzhhanov, B.A. Alimatov, R.Zh. Tozhiev, A.A. Riskulov, B.M. Tursunov, A.A. Shermukhamedov, S. F. Ergashev, Y.S. Abbasov, Kh.A. Akramov, M.Kh. Khakimov, Sh.M. Iskandarova, Z.M. Sobirova, A.M. Mukhtarova, L.M. Babakhodzhaeva.

Address of the editorial office: 150107

Fergana city, Fergana str., 86.

Phone +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: alferganus.ltd@gmail.com



@Alferganus_ltd

Registered with the Agency of Information and Mass Communications under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan.

Registration No. 4446-5760-5988-7507-e628-4252-5710 dated March 23, 2021.

The journal "International Journal of Theoretical and Practical Research" is included Crossref, Google Scholar.

Impact-factor 2021 Evaluation Pending



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

The Journal addresses issues of global and regional Science and Practice. For scientists, teachers, doctoral students, students.

(2021). International journal of theoretical and practical research, 1(2).

<https://alferganus.uz>

© Publishing Center«Al-Ferganus»,
2021, Fergana, Uzbekistan



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



Издательский центр «Al-Ferganus» ООО.

А. М. Абдуллаев

«Международный журнал теоретических и практических исследований»

Научный журнал.

Издаётся с ноября 2021 г.

Выходит один раз в месяц.

16+

Том 1, Номер 2.

Декабрь 2021г.

Председатель редакционного совета Саломов Уктаим Рахимович, ректор ФерПИ

Главный редактор К. И. Курпаяниди

Редакционная коллегия: А.М.Абдуллаев, М.С.Ашуров, Э.А.Муминова, К.Х.Абдурахманов, А.Н.Асаул, А.В.Бурков, У.В.Гафуров, М.А.Икрамов, Д.Кудбиев, Э.С.Маргианити, Б.Обренович, Л.Иварс, К.Э.Онаркулов, Н.А.Султанов, А.Хасанов, Ш.Т.Каримов, Ш.Ш.Хамдамова, Д.С.Салиханова, У.К.Алимов, С.М.Турабджанов, Б.А.Алиматов, Р.Ж.Тожиев, А.А.Рискулов, Б.М.Турсунов, А.А.Шермухамедов, С.Ф.Эргашев, Ё.С.Аббасов, Х.А.Акрамов, М.Х.Хакимов, Ш.М.Искандарова, З.М.Собирова, А.М.Мухтарова, Л.М.Бабаходжаева.

Адрес редакции: 150107

г. Фергана, ул. Ферганская, 86

Тел. +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: alferganus.ltd@gmail.com

@Alferganus_ltd



Зарегистрирован в Агентстве информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан.

Регистрации № 4446-5760-5988-7507-e628-4252-5710 от 23 марта 2021 года.

Журнал «Международный журнал теоретических и практических исследований» включен в Crossref, Google Scholar.

Импакт-факторы журнала: 2021 Evaluation Pending



Тип лицензии СС поддерживаемый журналом: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

В журнале рассматриваются вопросы развития мировой и региональной науки и практики.
Для ученых, преподавателей, докторантов, студентов.

Международный журнал теоретических и практических исследований. 2021. Т. 1.
№2. <https://alferganus.uz>

©Издательский центр «Al-Ferganus»,
2021 Фергана, Узбекистан



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



DOI *****

TABLE OF CONTENTS

Fizika-matematika fanlari / Physical and mathematical sciences / Физико-математические науки

1.	Karimov Shahobiddin Sobirzhonov Omadbek <i>Riemann-liouville fractional integrals and derivatives of generalized functions</i>	6
	<i>Iqtisodiy fanlar / Economic Sciences/ Экономические науки</i>	
2.	Abdurakhmanov Kalandar Kh. <i>Human capital as one of the major factors of labor potential of the enterprise</i>	13
3.	Adilova Zulfiya Khanturaev Bobur <i>The need to develop the digital financial services market in the context of ensuring macroeconomic stability in Uzbekistan</i>	19
4.	Bauetdinov Majit Zhanizakova Shakhnoza <i>Digitalization of banking services in the modern economy</i>	26
5.	Ikramov Murat Akramovich Shermukhamedov Abbas <i>Problems of performance cargo transportation</i>	33
6.	Исманов Иброҳим Ёрматов Илмидин <i>Issues of developing quality education at fergana polytechnic institute</i>	39
7.	Mitrushova Marina <i>Role of modern information and communication technologies in innovative development of the region</i>	51
8.	Kudbiev Nodir <i>Relevance of the transition to international financial accounting standards</i>	56
9.	Turgunov Mukhriddin <i>Some features of food industry management</i>	65
	<i>Falsafa fanlari / Philosophical sciences / Философские науки</i>	
10.	Sobirova Zilolaxon <i>Feminism and the concept of gender equality and its social philosophical content</i>	75
	<i>Pedagogika fanlari / Pedagogical sciences / Педагогические науки</i>	
11.	Rodionova Irina <i>MOODLE as a university training process optimizer</i>	81
	<i>Filologiya fanlari/ Philological sciences/ Филологические науки</i>	
12.	Iskandarova Sharifa Madalievna, Shokirova M.N. <i>Formation of linguistic units of Uzbek national sports</i>	87





DOI *****

Filologiya fanlari/ Philological sciences/ Филологические науки



International journal of
theoretical and practical
research

Scientific Journal

Year: 2021 Issue: 2 Volume: 1

Published: 01.12.2021

<http://alferganus.uz>

Citation:

Искандарова, Ш.М., Шокирова, М.Н. (2021). Ўзбек миллий спорт турларига оид лингвистик бирликларнинг шаклланиш асослари. SJ International journal of theoretical and practical research, 1 (2), 87-94.

Doi: <https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.5752234>

QR-Article



Искандарова Шарифа Мадалиевна

Профессор,
Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон

Шокирова М.Н.

PhD, катта ўқитувчи,
Фарғона давлат университети

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИГА ОИД ЛИНГВИСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мақолада ўзбек миллий спорт турларининг шаклланиши асослари, уларнинг халқ ўйинлари билан боғлиқ хусусиятлари, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларига хос тушунчаларни ифодаловчи лингвистик бирликлар ҳақида фикр юритилади.


Калит сўзлар: семема, лексема, лингвокультурология, халқ маданияти, миллий спорт ўйинлари, миллий ўйинлар, миллий қадрият, лингвистик белги, ўзбек кураши, топоним.

Iskandarova Sharifa Madaliyevna
Professor, Fergana State University, Uzbekistan

Shokirova M.N.
PhD, senior teacher, Fergana State University, Uzbekistan

FORMATION OF LINGUISTIC UNITS OF UZBEK NATIONAL SPORTS

Annotation: The article focuses on the basics of the formation of Uzbek national sports, their characteristics related to the National Games, linguistic units representing concepts specific to national sports and folk games.



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



Keywords: *semema, lexema, linguoculturology, people's Culture, National Sports Games, National Games, national value, linguistic character, Uzbek struggle, toponym.*

ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ, ОТНОСЯЩИХСЯ К УЗБЕКСКИМ НАЦИОНАЛЬНЫМ ВИДАМ СПОРТА

Искандарова Шарифа Мадалиевна

Профессор, Ферганский государственный университет, Республика
Узбекистан

Шоқирова М.Н.

PhD, старший преподаватель Ферганский государственный
университет, Республика Узбекистан


Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы основ формирования узбекских национальных видов спорта, их особенности связанные с национальными играми, лингвистические единицы выражающие понятия относящихся к национальным видам спорта и национальным играм.

Ключевые слова: семема, лексема, лингвокультурология, национальная культура, национальные спортивные игры, национальные игры, национальные ценности, лингвичтический знак, узбекский кураш, топоним.

Ҳар қайси тилдаги спортта оид лингвистик бирликларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш учун унинг бошқа тиллардан фарқланган хусусиятларини ўрганиш зарур. Шунга кўра, ўзбек тилидаги “спорт” семемали лексемаларнинг лингвокультурологик жиҳатларини таҳлил қилишда тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш, ҳалқ менталитети ва миллий характерининг ифодаланиши каби масалаларга чуқурроқ ёндашувга эҳтиёж сезилади.

Тил ҳар бир миллатнинг маданияти, қадриятлари ва эътиқоди, умуман ҳалқнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалашда энг муҳим омил эканини барча эътироф этади. Бирор ҳалқнинг тилини ўрганишда унинг маданиятини ҳам ўрганиш муҳимдир. Чунки тил ва маданият бир-бирига боғлиқ равишда ривожланади. Спорт ҳам маданиятнинг бир қисмидир. Спорtnинг келиб чиқишида ҳам ҳалқ тарихи, маданияти акс этади.

В.Телия тишлинос ва фольклоршунос олим сифатида маданият ва тил боғлиқлигига семасиология соҳасининг ролини алоҳида таъкидлаган. В.Телия шундай ёзади: “Тил бутун бир маданиятни ўзида ифодалар экан, шубҳасиз, семасиология соҳаси ҳам тилнинг эгаси бўлмиш ҳалқнинг маданиятини жуда чиройли ва чуқур ифодалай олади. Бундай ҳолатни ўзаро тил ва маданиятнинг коришиб кетган соҳаси, яъни лингвокультурология асослай олади” [9].





DOI *****

Миллий спорт ўйинлари халқ ўйинлари, урф-одатлари билан узвий боғланади. Бироқ уларни урф-одатлар, маросимлар, халқ ўйинларидан фарқли жиҳатлари мавжуд. Жумладан, маросимлар кишилар ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган бўлиб, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтадиган, халқнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган тартиб-қоидаларига амал қилинадиган тадбир саналади [7, 8-бет].


Маълум бир халқнинг урф-одатлари билан алоқадор жараёнлар табиий равишда анъанага айланади. Шунга кўра, халқ маданияти тушунчаси манбаларда қўйидагича изоҳланади: “Анъанавий халқ маданияти – этносларнинг тарихий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти натижасида тараккий этган, минг йилликлар мобайнида аждодлар фикрлари, тажрибалари, орзу-истаклари, анъаналари ва қадриятларини ўзида бирлаштирган, авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша сайқалланиб, мураккаблашиб борган бебаҳо мерос ҳамда жамиятимизни ахлоқий соғломлаштирувчи ва инсонпарварлигини барқарор этувчи халқнинг маънавий камол топишига хизмат қиласидиган муҳим омил” [4, 9-бет].

Халқ маданиятини кўрсатишида “спорт” семемали лексемалар ҳам фаол воситалардан бири сифатида бугунги кунда тилшуносликда лингвокультурологик изланишлар жараёнининг муҳим мавзуларидан бирига айланди.

Спорт ҳам маданиятнинг маълум бир кўринишини намоён этади. Спорт ўйинларида миллий менталитет ва онг ўз ифодасини топади. Бироқ спорт ўйинларининг, олимпия ўйинларининг ўзига хос хусусияти шундаки, у дунёга тинчлик элчиси сифатида кириб келди. Дунё мамлакатлари ўртасидаги қўплаб сиёсий, иқтисодий, мағқуравий муаммоларга қарамай, олимпиада ўйинларида тенгма-тeng қурашиш, мамлакатнинг жисмоний ва ахлоқий киёфасини кўрсатиш айнан спортнинг зиммасига юкланди.

Халқ онгига мавжуд бўлган ҳар бир сўз-фикр тил билан ифодаланар экан, маълум халқнинг спортга оид лексемалари ўша халқ тилида келтирилган сўзлардан, шу халқ вакиллари томонидан, шу халқнинг ўзига хос хусусиятлари орқали ясалиш усули билангина ифодаланади. Ҳозирги замон тилшунослигига тил бирликларининг семантикаси, муайян лексеманинг лингвокультурологик ва семантик хусусиятлари тадқиқи жуда қўплаб илмий изланишларнинг асосий мавзуси ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ёшларнинг маънавий жиҳатдан ва жисмонан баркамол инсон сифатида тарбиялашда миллий спорт, унинг маданий илдизларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Муайян ҳаракатли халқ ўйинлари кейинчалик миллий спорт ўйинларининг юзага чиқишига асос бўлган,





DOI *****

чунки болалар ўйинлари болаларни соғломлаштиришга, уларни спорт мусобақалариға тайёрлашга маълум даражада йўналтирилган.

“Халқ ўйинлари, ҳаётий фаолият, кузатиш, тажриба маҳсули бўлиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган. Миллий менталитет, ўзига хос маданият ва маънавият, аввало, урф-одат, удум, маросим, халқ оғзаки ижоди, шунингдек, мусобақа характеридаги ўйинлар орқали мустаҳкамланади” [3,21-бет].

Ўзбек миллий спортини ифодаловчи тушунчалар орасида халқ ўйинлари лексикаси алоҳида ўрин тутади. Ўзбек халқ ўйинларининг лексик хусусиятлари бўйича Э.Жабборов[1], халқ томошалари юзасидан А.Собиров[5]ларнинг монографик изланишлари мавжуд. Ўзбек халқ ўйинларининг маълум худудларга кўра, баъзан ёшга доир ўнлаб турлари ҳақида манбаларда етарлича маълумотлар берилган[1, 3, 5]. Маълумки, айrim жисмоний чиниқишига қаратилган ҳаракатли халқ ўйинлари миллий спорт тури даражасига кўтарилиган бўлиб, шунга кўра, бу мақолада миллий спорт ўйинларининг асоси бўлган халқ ўйинларини ифодаловчи айrim тушунчалар, лексик бирликлар таҳлилига қисқача тўхталамиз.


Халқ ўйинлари халқ ижодининг бир туркумини ташкил қилиб, халқ цирки унинг бир қисмидир. Халқ циркининг келиб чиқиши қадимги маросим, ўйин ва миший ҳаёт билан боғлик.

Ўйин – турли ифодали воситалар билан маълум қоида ёки олдиндан келишилган шартлар асосидаги жисмоний мусобақалар, беллашувлар, тафаккур баҳслари ва ижрочилик талабларидан вужудга келган миллий қадрият ҳисобланади[10].

Миллий ўйинлар тарихини ўрганишда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луготит турк” асарининг ўрни бекиёс. Асада халқ ўйинларининг бир юз элликдан зиёд тури тилга олинган. Жумладан, “бандол” (асир олиш), “ўтиш-ўтиш” (давра ўйини), “чавгон” (тўп ўйини), “ўт бандал” (таёқ ўйини), қиличбозлик, найзадорлик ва бошқа ўйинлар ҳақида ҳам маълумот берилади. Бу ўйинларининг айримлари ҳозирги кунда ҳам болалар учун қизиқарли машғулот саналади.

М.Кошғарий “жорияларнинг дараҳт шохларига арқон боғлаб, шу арқонга ўтириб учиб ўйналадиган ўйини” номини йапнгў деб қайд этади. Бу ном ҳозирги ўзбек тилида йўқ, унинг ўрнида *арғимчоқ* атамаси қўлланилади. Бу атаманинг ҳам ўзбек шеваларида қатор вариантлари бор. М.Кошғарий девонида зикр этилган *жсангли-мангли* деб номланган ўйин ҳам, унинг номи ҳам ҳозир бутунлай истеъмолдан чиқиб кетган[1, 4-бет].

Халқ достонлари халқ ўйинларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. “Алпомиш” достонида кураш, от, пойга, улоқ, найза санчиш, камондан ўқ отиш,





қиличбозлик, мерганлик, “Кунтуғмиш” достонида қилич чопмоқ, милтиқ отмоқ, чиришбозлик, кўпкаритозлик, найзадастлик, гаровbastлик каби жисмоний ва ҳарбий маҳорат турлари ҳақида сўз кетади. Бу спорт турлари тўйлар ва йиғинларда мусобақа тарзида ўтказилган, совинга катта нарсалар тикилган. Бу ўйинлар кишиларда мардлик, жангварлик, маънавий ва жисмоний комиллик каби фазилатларни камолотга етиштирган.

Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида кураш ва жисмоний машқларнинг киши бадантарбиясидаги ўрни, ўйиннинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўхталган: бир оёғида сакраш, қиличбозлик ва найзабозлик, отда юриш, икки қўлини силкитиш: ўзаро тортишиш мушт билан туртишиш, ёйдан ўқ отиш, тез юриш, наза отиш, юқоридаги бир нарсага иргиб осилиш кабилар тез харакатлар, аргимчокда учиш, беланчакда учиш, қайиқ ва кемаларда сайр қилиш кабилар нозик ва енгил ҳаракат турларига, тез бориб орти билан қайтиш, соя билан олишиш, чапак чалиш, сакраш, наза санчиш, қувлашиш, тош кўтариш, копток билан ўйнаш кабилар бадантарбиянинг кучли турига киритилади[2,95-бет].

Бадантарбия ва спорт ўзбек халқининг қундалик турмуш тарзига мос ҳолда халқ ўйинлари шаклида ривожланиб борган. Уларнинг илмий асослари ҳам X асрдаёқ шакллантирилган. Ҳозирда ҳам халқ ўйинлари ҳукумат томонидан миллий қадриятлар сифатида оммалаштирилмоқда.

Ўзбек халқ ўйинларининг лингвистик белгиларини ўрганиш йўлида Э.Жабборовнинг “Ўзбек халқ ўйинлари лексикаси (Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида)” мавзусидаги номзодлик диссертацияси алоҳида аҳамиятга эга[1]. Олим халқ ўйинларининг номланиш мотивацияси, халқ ўйинлари таснифи, халқ ўйинлари номларининг луғавий-семантик хусусиятлари ҳақида баҳс юритади. Халқ ўйинларининг номлари туркий тиллар ва ўзбек тили маҳаллий шевалари миқёсида ҳам тадқиқка тортилади.

Халқ миллий ўйинлари ўтказилиш даврига қараб, доимий ва фаслий ўйинларга бўлинган: Масалан, баҳорда дараҳтлар уйғониб, толлар куртак чиқарганда – “тол баргак”, дала гуллари очилганда – “гул ўйини”, пишиқчилик пайтида данак, ёнғоқ ўйинлари, аргимчоқ учишлар севиб ўйналган. Кеч куз, қишида ёғингарчилик бошланиб, ер юмшаганда қозиқ, ошиқ, тош ўйинлар одат тусига кирган. Қор ёқканда “қорхат”, “қорбўрон”, ёмғир ёқканда “ёмғир ёғалок”, кучли шамол эсанда “бўрон-бўрон”, совуқ ўз кучини кўрсатганда барча сандал атрофида йиғилиб, “топишмоқ топ”, “тез айтиш”, “ким айтди” кабилар ўйналган. Кеч куздан то баҳоргача “улоқ-кўпкари” мусобақалари ўтказилган[10].

Метафора – бир предметнинг номини бошқа предметга бирор томондан ўхшашлигини эътиборга олиб кўчириш[8,63-бет]. усули бўлиб, халқ ўйинлари номинациясида метафора ва ўхшатишга асослаб номлаш кенг кузатилади: қубба,






ўрда, қүшимбоши, қирратош, хуржун-хуржун, юлдуз, мойкулча, хола-хола, аскар-аскар каби ўйинлар номларида ўйин жараёнида иштирокчиларнинг метафора асосида бирор нарсани иккинчи нарсага ўхшатиши кузатилади. Масалан, қүшимбоши ўйинида ўргага дов қўйилиб, довнинг атрофида маълум кенгликдаги доира чизилади. Ўртада турган бола довни олдирмаслиги, довни олмоқчи бўлғанларга ҳамла қилиши керак бўлади. Мазкур ҳолат спорт ўйинларидағи “қарши хужум” тактикасини эслатади, яъни ҳимояни эсдан чиқармасдан, хужумга ўтишга, хужум вақтида ҳам ҳимояни эсдан чиқармаслик қобилиятини ривожлантиради. Марказдаги иштирокчининг ўз жойини тарк этиши мумкинмаслиги, шу билан бирга қисқа ҳужум уюштириши ҳарбий соҳада қўшинбошининг умумий ҳаракатларини эслатади. Шу нуқтаи назардан айтишимиз мумкинки, “қүшимбоши” аслида “қўшинбоши” номининг нотўлиқ ассимиляцияси натижасида шу қўринишга келган. Бу ўйин номи тўлиқ метафорага асосланган. Ўйин тарзи эса жанг майдонининг кичрайтирилган моделини ифодалайди.

Халқ ўйинлари номларида топонимларнинг кузатилиши, аввало, мазкур ўйиннинг кенг миқёсда тарқалганлиги, иккинчидан, тарихан узоқ давларга бориб тақалишини, учинчидан, умумий номдан фарқли белгисини ифодалаш эҳтиёжи билан боғлиқ. Масалан, кураш спорт тури топонимик характерига кўра бир неча бор поғонали турларга ажратилади. Кураш тасвири туширилган ёдгорликлар Миср эхромлари, Месопотамия бўртма суратлари, Афина рельеф расмлари, ҳинд қўлёзмаларида учрайди[6,4-7-бет]. Шундан келиб чиқиб, курашнинг шу топонимлар билан боғлиқ номларини санаш мумкин. Ўзбек кураши ҳам турли ҳудудларда тарқалиши, усуллари фарқига кўра “бухорча кураш”, “фарғонача кураш” номлари кузатилади. “Фарғонача кураш” “белбоғли кураш” деб ҳам номланади, сабаби унда фақат белбоғни ушлабгина йиқитишга руҳсат берилади.

Масалан: Ҳозирги кунга келиб Қарачай, Қалмиқ, Татаристон, Бошқирдистон, Камчатка ярим ороли, Афғонистон, Жанубий Қурия, Хитой, Япония давлатларида ҳам фарғонача миллий курашга ўхшаши белбоғли кураш мусобақалари ўtkазилиб турибди (Н.Азизов, Белбоғли Туркистон кураши).

Бухорча ва фарғонача кураш турларининг фарқи борасида “Алпомиш” достонида ҳам айрим нуқталар кузатилади, Алпомиш ва Кўкалдош Барчиннинг тўртинчи шартида ўзаро кураш тушадилар. “Алпомиш” достонида келтирилган айрим усуллар кам қувват сарфлаб, рақибнинг кучини ўзига қарши ишлатиш бўлиб, бухорча курашни эслатади.

Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” романида воҳада кураш тури қўйидагича тасвирланади: *Бу сафар Эрмат энкайиб-энкайиб келди. Шукурнинг*





DOI *****

қўлтиқлари остидан кириб қўтмармоқчи бўлди. Шукур Эрматнинг бошини қўкраги остига қисди. Қўлларини қўлтиғидан ўтказиб ушлади. Ётиботарга олди: ўзи бирдан орқага ётиб қолиб, Эрматни остидан ошириб отмоқчи бўлди.


Фарғонача кураши турини ёзувчи қўйидагича тасвирлайди: *Водийликлар олишини кураши, деди. Водийликларда ўз курашларини намойиш қилди: икки полвон бир-бирлари белидан қўлларини ўтказиб ушлаб, суяшиб юра берди.. Бу орада воҳа полвонларидан бирови оёги осмондан келиб ерга тушиди. Бирови рақибини елкадан ошириб отди.*

Юқоридагиларни ҳисобга олсак, халқ ўйинлари номида топонимик ва этнонимик кўрсаткичларнинг келиши ўзбек маданиятидаги турфалик ва ранг-барангликни ифодалайди. Спорт ўйинлари ва халқ ўйинларининг фарқли нуқталаридан бири – уларнинг номларида гендер белгиларнинг акс этиш-этмаслигидадир. Жумладан, синхрон сузиш, бадиий гимнастиканинг айрим турлари иштирокчиларнинг жинсига қўра ажралиб турса ҳам, номланишида бу хусусият ҳисобга олинмаган.

Номланиш асоси бўлган ўхшатишлар, антропонимлар, топонимлар, жинс билдирувчи сўзлар, маросим ва урф-одатлар, прецедент номлар (бу ўрнида эртак қаҳрамонлари) кабилар ўзбек халқининг фикрлаш тарзи ва тафаккур даражасини билдириб туради. Улар бир томондан лингвокультурология соҳасининг ҳам ўрганиш объектларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жабборов Э. Ўзбек халқ ўйинлари лексикаси (Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида): Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 24 бет.
2. Ибн Сино. Тиб қонунлари. 3 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. – 300 бет.
3. Йўлдошев С.В. Фарғона водийси аҳолисининг халқ ўйинлари: Тарих фанл. ... фалс.докт.дисс.автореф. – Тошкент, 2019. – 54 бет.
4. Муродов М., Қорабоев У., Рустамова Р. Этномаданият. Тошкент: Адолат, 2003. – 199 бет.
5. Сабиров А.Ш. Термины узбекских народных зрелищ: – Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ташкент. – 1990. – 23 стр.
6. Tastanov N. Kurash turlari nazariyası va uslubiyati. – Toshkent: Sano-standart, 2017. – 480 bet.
7. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Тошкент: Шарқ, 2002. – 476 бет.





DOI *****

8. Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. – 168 бет.
9. wiki-text/teliya/direct culture and language system/
10. <http://n.tarix.uz/milliy-ananalar/milliy-oyninlar/>
11. Abdugappar, A. N. (2020). Sport Terms Borrowed from Different Languages into Uzbek Language. *International Journal of Linguistics, Literature and Translation (IJLLT)*, 2(6), 159-166.
12. Oktamovna, S. Z., & Nasriyevich, G. N. (2021). Terminology as a structural element of the language. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(9), 724-731.

